



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (13.938)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА "МЭИ" МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ" ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг энергетика тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар режаси ("Йўл харитаси")ни ижро этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ, "МЭИ" миллий тадқиқот университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда – Университет) Тошкент шаҳрида "МЭИ" миллий тадқиқот университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалини (кейинги ўринларда – Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимиз энергетика тармоғи учун таълим дастурлари ва олий таълим сифатида қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш;

замонавий таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув жараёнида илгор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фан ва

техниканинг энг сўнги ютуқларини татбиқ этиш, ўқув-педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

энергетика, электротехника, иссиқлик техникаси соҳасида фундаментал, амалий илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, электр жиҳозлари ва тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, электр энергетикаси тизимларининг тежамкорлиги, ишончилиги ва барқарорлигини оширишга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илм-фан ва таълим сифатини, узлуқсизлиги ва узувчилигини ошириш, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятига мақсадли интеграциялашув орқали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим, илмий-тадқиқот ва саноат ишлаб чиқариш фаолиятининг узвий интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустахкамлаш;

шартнома асосида энергетика тармоғи ташкилотларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ва келишилган ҳолда талаб юқори бўлган бакалаврият таълими йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Университетнинг алоҳида таркибий бўлими – олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиал кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ва келишилган ҳолда бакалаврият таълимининг асосий йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

Филиалда таълим Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ рус тилида, кейинчалик бошқа тилларда ҳам амалга оширилади;

Филиалнинг таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади;

Филиал битирувчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинмаган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилди;

Филиал фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда яна иккита – "Чилдренс Леон Кидс" (Чимбой тумани) ва "Дочки Синочки" (Тахياتош) мактабгача таълим муассасасининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Муҳташам бинода болажонлар учун барча шароитлар муҳайё этилган ушбу боғчалар жами 250 нафар жажжи қалб соҳибларини ўз бағрига олади. Ушбу эзгу ташаббус доирасида "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан "Чилдренс Леон Кидс" ва "Дочки Синочки" мактабгача таълим муассасаларига миллий қолғу асбоблари ҳамда спорт анжомлари топширилди. Болажонларга эса ўйинчоқ ва совғалар улашилди.

● Жиззах вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида қурилган 5 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишига топширилди. Шунингдек, 2019 йил охирига қадар яна 37 давлат-хусусий шериклик асосида, 10 та хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

● Наманганда жорий йилнинг 7-8 август кунлари Халқаро бизнес форуми ўтказилди. Хитой, Хиндистон, Россия, Франция, Эрон, Туркия, Италия, Жанубий Корея, Япония каби 20 га яқин хорижий давлатларнинг нуфузли компаниялари, халқаро банк-молия муассасалари раҳбар ва мутахассислари, йирик сармоядор ва ишбилармонлар вакиллари иштирок этиадиган форум дастурига қўра, Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хорижий сармояларни кенг жалб этиш, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик алоқалари асосида вилоятнинг инвестиция салоҳияти, табиий ва ижтимоий ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама қилинади.

● Шу пайтга қадар мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келган Бухоро вилояти кўз касалликлари шифохонаси замонавий қулайликларга эга бўлди. Муассаса Бухоро тиббиёт коллежининг бўш қолган ва реконструкция қилинган уч қаватли биносига кўчди. Иншоотда вилоят маҳаллий бюджетли маблағлари ҳисобидан лойиҳа-смета қиймати 5,2 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Шифохонада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш доираси ҳам кенгайди. Яқин орада бу ерда телемедицина жорий этилади.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Ирландиянинг Белфаст шаҳрида полиция ходимининг машинаси тагига бомба ўрнатилганлиги портловчи моддалар бўйича мутахассислар томонидан аниқланиб, робот ёрдамида олиб зарарсизлантирилди. Ушбу жиноят қотилликка уриниш сифатида баҳоланмоқда.

● АҚШ федерал авиация бўлими томонидан ўтказилган текширувлар чоғида эксплуатация қилиш жорий йилнинг март ойидан тўхтатилган 300 дан ортиқ Boeing-737 МАХ самолётининг кўпласи нуқсонли қисмлар билан жиҳозланганлиги аниқланди. Яъни, ушбу эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган талабларга жавоб бермайдди. Эндиликда яна юзлаб шундай русумдаги самолётларни текшириш лозим бўлади. Ушбу самолётларни талаб даражасига келтириш ва учувчиларни қайта тайёрлаш учун бир неча ой вақт керак бўлади.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ ТАШАББУСЛАР

**БМТ Ассамблеясининг 27-сессиясида
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош
қотиби атроф-муҳит ифлослигини
инсоният учун катта хавф тугдираётгани
хақида мурожаат қилди. Ушбу
мурожаат 5 июнь санасини Жаҳон
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини
сифатида кенг нишонлаш ташаббусини
илгари суриш ва амалга оширишга
сабаб бўлган эди.**

Замонавий тараққиётнинг бугунги босқичида инсон атроф-муҳитга улкан таъсир ўтказмоқда. Табиатга нисбатан эҳтиётсизлик билан қилмаётган муносабат, аслида, ўзига-ўзи зарба беришидир. Зеро, инсон ва табиат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экан, атроф-муҳитга etkazилган зарар аҳоли саломатлигига бевоқифа дахл қилади.

Табиий муҳит сифатининг пасайиши аҳоли касаллигини даражаси ўсиши, умр давомийлиги қисқариши, туғма хасталиклар сонини орттиришига келди. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви асосий ишлаб чиқарувчи куч – инсоннинг соғлом дунёга келиш асослари илдизига болта уради.

Ҳозирги вақтда ҳеч бир давлат экологик муаммолардан холи эмас. Айни масалаларни ҳал этиш учун БМТ Бош Ассамблеяси 2015 йили "Дунёни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича иш тартиби" номли Резолюцияни қабул қилди. Ушбу ҳужжат билан барқарор ривожланишнинг 17 мақсади белгилаб олинди. Ҳар бир мақсад доирасида 2030 йилгача мўлжалланган иш режасини амалга ошириш жараёнида мамлакатлар баҳариши лозим бўлган аниқ вазифалар ва индикаторлар шакллантирилган.

Жадал ривожланишнинг барча мақсадлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва универсал бўлиб, 5 та асосий йўналишни ташкил этади. Булар одамлар, ривожланиш, тинчлик, ҳамкорлик ва сайёра йўналишларидир.

Ўзбекистон Республикаси "Кун тартиби – 2030"ни ишлаб чиқиш жараёнининг барча босқичларида миллий даражада фаол иштирок этмоқда, бу борада кишилар турмуш сифатини оширишга қаратилган барқарор ривожланиш мақсадлари (БМТ)га эришиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шу муносабат билан 2018 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2030 йилгача бўлган даврда жадал ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИДА ТЕХНОПАРКЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Тошкент, Фарғона водийси ва юртимизнинг турли ҳудудларида электр техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат-инновацион технопаркларни ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 30 майдаги "Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан кўзда тутилган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда электр техника саноати фаол ривожланмоқда. Тармоқ корхоналари янги ишлаб чиқариш технологияларини самарали ўзлаштиришда ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кенгайтиришда. Юртимиздаги электр ускуналари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил 1 июлдан бошлаб уларга янги имтиёз ва преференциялар тақдим этилади.

Хусусан, электр техника ва маҳсулотлари бўйича давлат харидини амалга оширишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан 20 фоизгача бўлган нарх преференцияси қўлланилади. Бундан ташқари, давлат бюджетини ҳисобидан объектларни тайёр қилиш ёки реконструкция қилиш бўйича

тендер ҳужжатларида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни харид қилиш кўзда тутилади.

Айни дамда "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси таркибидagi корхоналар шахсий эҳтиёжлари учун зарур бўлган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиши хали йўлга қўйилмаган хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва ускуналари олиб киришда 2020 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан озод этилади. Маҳаллий бозорда соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси мамлакатимизга электр техника ва маҳсулотларнинг ноқонуний олиб кирилишига ёрдам берадиган омилларни таҳлил қилади ва уларни бартараф этиш чораларига доир дастур ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси ҳузуридаги Электр техника саноатини ривожлантириш жамғармасига 20 миллиард сўм маблағ ўтказилди. Мазкур маблағлар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш,

стартларини қўллаб-қувватлаш ва устав фондларини шакллантириш, маҳаллий корхоналарда халқаро стандартларни жорий этиш учун сарфланадиган харажатларнинг 50 фоизини қоплаш учун йўналтирилади. Шунингдек, ушбу маблағлар сармоядорларни жалб қилиш учун бўш ётган бино ва иншоотларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун сарфланади. Бундан ташқари, маҳаллий корхоналар фонд ҳисобидан тендер савдоларида иштирок этиш учун қисқа муддатли молиявий қаймақ олишлари ҳам мумкин.

Янги ҳужжат яқин истиқболда мамлакатимиз электр техника саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ушбу қарор билан 2019-2020 йиллар учун "Йўл харитаси" ҳамда 2019-2021 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва кенгайтиришга тавсия этиладиган маҳсулотларнинг амалга ошириладиган ва истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланди.

Роман БОНДАРЧУК

ИЗЛАНУВЧИЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Қозғистондаги Назарбоев университети ҳамкорлигида мамлакатимиздаги технология стартап лойиҳалар учун "Tech central asia" акселерацион дастур фаолияти бошланди.

Таъкидлаш кераки, "Tech central asia" кенг мйқёсли дастур бўлиб, у Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ўз стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишни истаган ёш тадбиркор, талаба, новатор ва кашфиётчиларга мўлжалланган. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази дастурини амалга ошириш борасидаги ишларга масъулдир. Шунингдек, дастур талабига мувофиқ, тадбиркорликка доир мавзулар ва кўникмалар бўйича мазрузалар ўқилади, амалий машғулотлар ўтказилади.

"Пойтахт" бизнес марказида ўтказилган матбуот анжуманида айнан шу дастурнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Унда инновацион ривожланиш вазири ўринбосари Азимжон Назаров, Қозғистондаги Назарбоев университетининг тадқиқотлар ва инновациялар бўйича шўба корхонаси бош директори Айдар Жақупов ва бошқалар сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ёшларни янги лойиҳалар бўйича ишлашга

даъват этиш ва уларнинг ўз йўлларини топишга хизмат қилишини таъкидлади.

Таъкидланганидек, "Tech central asia" дастурининг энг яхши лойиҳаларини Инновацион ривожланиш вазирлиги грант маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлайди. Иқтисодийёт тармоқларининг инновацияларга эҳтиёжини инobatта олган ҳолда танловда қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва "ақли шаҳар" соҳасидаги лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда вазирлик, Назарбоев университети, хорижий экспертлар ва юртимиздаги етакчи компаниялар билан ҳамкорликда бўлажак иштирокчилар учун махсус семинарлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Анжуманда маълум қилинганидек, дастурда иштирок этиш учун аризалар <http://techcentral.asia> сайтида 3 июлга қадар қабул қилинади. Дастурга лойиҳалар танлови жорий йилнинг 6-7 июль кунлари бўлиб ўтади. Тадбирда дастур ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ШАҲРИДА “МЭИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ
УНИВЕРСИТЕТИ” ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Университет:

ўқув жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

Филиал мутахассисларининг малакасини ошириш ва профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлаш;

Филиалнинг кутубхона фондини шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга кўмаклашишни маълумот учун қабул қилинсин.

5. Куйидагилар:

Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалида кадрлар тайёрлаш бўйича бакалаврият таълимнинг асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш бўйича Таълимий комиссия (кейинги ўринларда – Таълимий комиссия) таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиалга қабул квоталари Университет, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Энергетика вазирлиги ташкилотлари, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассисларга нисбатан реал эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, Васийлик кенгаши қарорига биноан тасдиқланади;

б) давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари Васийлик кенгаши томонидан беш йилдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлаб бериш учун республика энергетика тармоғи ташкилотларига тақсимланади;

в) Филиал фаолиятини молиялаштириш куйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

талабаларни давлат грантлари бўйича ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, бироқ Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тўшадиغان маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантирилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, конун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар;

г) Университет мутахассисларини жалб қилиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари, Филиалдаги маҳаллий ўқитувчиларнинг стажировка ўташ ва малакасини ошириш харажатларини молиялаштириш “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари ҳисобидан амалга оширилади;

д) Университетдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатлари учун тўлов;

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафарлари бўйича – Россия Федерациясининг конун ҳужжатларида олий таълим муассасалари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

узок муддатли хизмат сафарлари бўйича – ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тузиладиган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

е) Васийлик кенгашининг қарорига биноан Филиал ходимларига Васийлик кенгаши томонидан шакллантирилган маблағлар ва Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан махсус ускуналар билан ишлаш кўнимасига эга,

юқори малакали ходимлар учун шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

ж) Филиал таъминоти учун бюджет ажратмалари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.

7. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг Филиални ташкил этиш, унинг моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш, шу жумладан, Филиал учун ажратилган бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер ва оргтехника, адабиётлар ва кутубхона фонди, инвентарь, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни куйидаги нисбатларда ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ – 50 фоиз; “Ўзбекгидроэнерго” АЖ – 50 фоиз.

8. Куйидагилар оператив бошқарув ҳуқуқи асосида:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Олмазор политехника ва стандартлаштириш касб-хунаро коллежининг бино ва иншоотлари туташ ҳудуди билан бирга Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатига берилсин;

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-3 манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг бино ва иншоотлари туташ ҳудуди билан бирга Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетига берилсин ва кейинчалик ушбу жойда Филиал бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Белгилансинки, ҳозирги кунда Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати биноларида таҳсил олаётган Тошкент банк коллежи ўқувчилари ўқиш тугагунга қадар таълим жараёнини Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетига берилаётган бино ва иншоотларда, Олмазор политехника ва стандартлаштириш касб-хунаро коллежи ўқувчилари эса Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатига берилаётган бино ва иншоотларда давом эттирилади.

9. Ташкилий комиссия (А.Султонов):

2019 йил 1 июлга қадар Филиалга тақдим этилаётган бино ва иншоотлар, шу жумладан, ўқув-лаборатория корпуси ва спорт иншоотларининг реконструкция қилиниши, шунингдек, Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшашлари учун ётоқхоналар тайёрланиши;

2019 йил 20 августга қадар Филиал жойлаштирилиши, Филиалга тақдим этилаётган бино ва иншоотларнинг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер ва оргтехника, адабиётлар ва кутубхона фонди, инвентарь, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозланишини таъминласин.

10. Филиалга ўқитувчилар ва илмий ишлар учун тақлиф қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рўхсат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Университет, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ билан ўзаро ҳамкорликда:

бир ой муддатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва келишилиши, шунингдек, белгиланган тартибда Филиал давлат рўйхатидан ўтказилиши; икки ой муддатда Филиал тузилмаси тасдиқланиши;

2019 йил 1 августга қадар Филиалнинг танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан тўлдирилишини таъминласин.

12. Филиалга тақдим қилинаётган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ ишларнинг бажарилиши бўйича куйидагилар:

“4-сон қурилиш дирекцияси” МЧЖ – буюртмачи; “Гидролойиха” АЖ – бош лойиха ташкилоти; “Tupalang HPD Building” УК – бош пудратчи ташкилот этиб белгилансин.

13. Филиалга иккита энгил автотранспорт, жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2020 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари мувофиқ “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ маблағлари ҳисобига молиялаштирилади, Филиалга тақдим қилинаётган бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича лойихалар белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йўғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан белгиланган тартибда кўп мартали визалар берилиши ва узайтирилиши, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

17. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан Филиал фаолиятини ташкил қилишда иштирок этадиган малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда руҳсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, кўрсатиб ўтилган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

18. 2022 йил 1 январга қадар Филиални реконструкция қилиш, қайта таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарь, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йўғимлардан ташқари) озод этилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июлдаги “Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида”ги 557-сонли қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 4 июньТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИКНИ
АВАЙЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти” мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг бўлиб ўтди.

Анжуманда республикада фаолият олиб бораётган ОАВ ходимлари, маданий-миллий марказлар раҳбарлари ва фаоллари, Дўстлик жамиятлари вакиллари ҳамда вазирлик ва ташкилотлардан меҳмонлар иштирок этишди.

Мавзу бўйича Қўмита илмий-амалий тадқиқотлар, методика ва экспертиза бўлими бошлиғи Бахтиёр Каримов маъруза қилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустақамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилиши, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган таъкидланди.

Бугунги кунда республикада фаол “халқ дипломатияси” асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатлар йўлга қўйилган. Хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни мустақамлаш орқали Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш тамойилларига асосан олиб бораётган 137 та миллий маданий марказлар, 35 та дўстлик жамиятлари мувафаққиятли фаолият юритиб келмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустақамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин кўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгда инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустақамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга қўтаришни тақозо этмоқда.

Дунёнинг айрим минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик, муросасизлик кучаяётган ҳозирги мураккаб вазиятда юртимизда турли миллат ҳамда динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақамлашга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Бу борада кўриладиган чора-тадбирлар тинчлик ҳамда осойиштагимиз, порлоқ истиқболимиз кафолати бўлиб хизмат қилаётти.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда миллий қадриятларни асраб-авайлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустақамлашга барча зарур шарт-шароит яратилган. Турли миллатга мансуб фуқароларимиз Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан ҳамда кенг имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, давлатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ҳамда элат вакилларининг ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантиришлари учун кенг имконият мавжуд. Чунончи, давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилаётти. Ҳозирда орқатилларда телекўрсатувлар намойиш этилмоқда, газета ва журналлар нашр қилинаётти.

Ўзбекистон дунёнинг барча мамлакатлари билан муносабатларда доимо очик, дўстона ҳамда прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб келган. Минтақадаги барча долзарб сийсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини тарафдори ҳамдир. Шунинг ўзи давлатимиз тинчлик, тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик тамойилларига ҳамisha содиқлигини англатади.

Х.УБАЙДУЛЛАЕВ

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА
МИЛЛИЙ ТАШАБУСЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу ҳужжат энергетика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистоннинг 2030 йилгача мамлакат энергетика тизимидаги қайта тикланадиган энергия манбалари ҳиссасини сезиларли даражада ошириш, қайта ишлаш ёки такрорий фойдаланиш орқали ҳосил бўладиган чикинди миқдорини кескин камайитиришдаги интилишини акс эттиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли сони ўсиб бормоқда. Шунинг баробарида автотранспорт воситалари ҳам кўпайиб бораётти. Буларнинг бари атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатади. Бундай салбий таъ-

сирларни камайитириш ва чек қўйиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, 2017 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганди. Мазкур ҳужжат экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар саломатлигига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли

турмуш тарзи ва даражасини юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан Оролбўйи минтақасини 2017–2021 йиллар давомида ривожлантириш мақсадида 2017 йил 18 январда ҳукуматимиз томонидан Давлат дастури ҳам тасдиқланган.

Ушбу дастур Нукус ва Урганч шаҳарларида янги иш ўринлари яратиш, минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, сув

таъминотини яхшилаш, сувоқова, санитария ва маиший чиқиндилардан тозалаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш, болалар ва спорт майдончалари қуриш, транспорт, муҳандислик ва аҳоли турар жойлари коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, иссиқлик таъминотини яхшилаш мақсадларини ўз ичига олган.

Бугунги кунда мазкур ҳужжатлар асосида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлиб, улар соҳада жамоат назоратини кучайтириш ва фуқароларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бора-сидаги шахсий масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Гўзал НАЗАРОВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази етакчи мутахассиси

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● **Пойтахтимизда 377 ўринли “Томоша” болалар музика театри студияси очилди.**

● **Тошкент темир йўл муҳандислари институтига Шарқий Хитойнинг Сэютун университети бошқаруви раиси Ван Минг раҳбарлигида делегация таширф буюрди.**

● **Ўзбекистон давлат табиат музейида “Палеонтология” мавзусида кўргазма ташкил этилди.**

● **Ўзбекистон давлат консерваториясида талаба-ёшлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди.**

БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Олмазор туманидаги 196-умумий ўрта таълим мактабида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи, О'зЛиДеР Ёшлик талабалар шаҳарчаси ва Олмазор туман Кенгаши, халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи томонидан "Биз буюк юрт фарзандларимиз" мавзuida маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирни О'зЛиДеР Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Т.Назаров кириш сўзи билан очиб, болажонларни табриклаб, ўзининг эзгу тилаklarини билдирди.

— Ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш биз депутатларнинг асосий вазифаларимиздан бири, — дейди халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи депутати Маъруфжон Мирзахмедов. — Мазкур тадбирни ташкил этишдан мақ-

сад ҳам Олмазор туманидаги шу жумладан, 196-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини кайфиятини янада кўтариш, ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар орасидан фаолларини аниқлаб, истеъдодларини юзага чиқаришда кўмакдош бўлишдир.

Маънавий-маърифий тадбир давомида болажонлар учун эзгуликни акс эттирувчи воқеаларга асосланган кўғирчоқ театри намойиш этилди. Хонандаларнинг чиқишлари болажонларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир сўнгиди О'зЛиДеР Ёшлик талабалар шаҳарчаси ва Олмазор туман Кенгаши раҳмийлигида ижтимоий кўмакка муҳтож ва истеъдодли

ёшларга бадиий китоблар, кийим-кечаклар ва эдалик совғалари тақдим этилди.

Миробод туман ҳокимлиги томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Фурқат" ва Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғларида "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида тадбирлар ташкил этилди.

Тадбирларда нафақат болажонлар балки, уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этиб, кўнгиллари шод бўлди. Ана шундай мўъжазгина, ўзига хос тадбирлардан яна бири тумандаги 195-мактабга таълим муассасасида ҳам кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Мазкур таълим маскани 2017 йили тўлиқ капитал таъмирдан чиққан бўлиб, болажонларнинг таълим-тарбияси учун барча қулайликлар яратилган. Муассасада юз нафар ёш авлод тарбияланади. Таълим даргоҳида жонли бурчак, сунъий ҳовуз ва шаршаралар киши қалбига ором бағишлайди. Бу ерга келган ота-оналар ва меҳмонларнинг қалби беихтиёр фаҳрга тўлади.

— Тадбирда турли хилдаги спорт ўйинлари, беллашувлар, китоб кўргазмалари, ақли пешловчи ўйинлар ташкил этилди, — дейди муассаса

са мудираси Умида Матрасулова. — Бу каби тадбирларни ташкил этишдан асосий мақсад улгайиб келаётган ёш авлоднинг келажақда маънан бой, жисмонан соғлом ва ахлоқан пок бўлиб вояга етказишга қаратилган. Ёш авлод онгу шурида Ватан меҳрини жўш урдириш, шунингдек, келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг онгида маънавий бўшлиқни тўлдиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта. Миробод туман ҳокимлиги томонидан таълим ва ёшлар учун хайрли ишлар амалда оширилмоқда. Хусусан, ёшларни китобхонликка жалб қилиш мақсадида ўтказилаётган китоб кўргазмалари ва спорт муСОБАқаларида ёшларимиз катта қизиқиш билан қатнашмоқдалар. Келажақда юртимизнинг порлоқ бўлишига ўз хиссасини қўшиши кераклигини тўғри англаб етган юрт эгалари бу борада белни маҳкам боғлаб, бор куч ва ғайратини ишга солишади деган умиддамиз. Айтиш мумкинки, келажақ ворисларимиз учун барча имконият яратилган ва шароитлар ҳам бекаму кўст муҳайё қилинган.

Тадбир давомида махсус байрам дастури, эртак қахрамонлари иштирокидаги ўйинлар болажонларда катта таассурот қолдирди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CREDIT INVEST GROUP" МЧЖнинг БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2018 йил 31 декабрь ҳолатига			
КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	16 452
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	93 170
30	16300	Оливиши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	51 280
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрорекредит, микроқарз, истеъмо), брутто	871 690
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар заҳираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код-51 код)	871 690
70	16500	Асосий воситалар, соф	285 893
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	76 652
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	1 395 136
МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600	Тўлавиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	241 087
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўлавиши лозим бўлган фойзалар	0
240	22500	Тўлавиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	0
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	0
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	241 087
КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитал	600 000
320	30903	Умумий заҳира фонди	90 000
330	30905	Текнига олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланчиг кийматга нисбатан баҳолаш кийматиининг ошган суммаси	0
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий ил фойдаси (зарар)	464 049
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	1 154 049
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	1 395 136

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ 2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР			
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фойзли даромадлар	733 761
160	44700+44900	Бошқа фойзли даромадлар	0
170		Жами фойзли даромадлар (110+120+160)	733 761
2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўлавиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредитдорларга тўлавиши лозим бўлган фойзли харажатлар	42 473
240	54400	Лизинг (микрорекредит) бўйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250)	42 473
3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)			
310		Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
320	56802+56842	Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳоланган сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	691 287
4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР			
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачилиқдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фойзсиз даромадлар	317 293
450		Жами фойзсиз даромадлар (410+440)	317 293
5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР			
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилиқ харажатлари	28 960
520	55900	Бошқа фойзсиз харажатлар	6 508
530		Жами фойзсиз харажатлар (510+520)	35 469
6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)			
600			973 112
7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР			
710	56100	Ходимлар иш хақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	120 461
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	51 930
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	11 682
750	56500	Репрезентация ва хайри	4 428
760	56600	Эскириш харажатлари	48 305
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	10 456
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	247 263
8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ			
800	56800-56802-56842		0
9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)			
900			725 849
10. ФОЙДА СОЛИҒИ			
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	103 659
11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)			
1100			622 190
1110	Дт 31206 еки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	-25 524
12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)			
1200			596 666

Ушбу ҳисобот "TRANS AUDIT A" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 31.12.2018 йилдаги ижобий хулосаси билан тасдиқланди. (Лицензия Молия вазирлиги томонидан № 00381 рақами остида 17.06.2008 йилда берилган).

"SHERZOD KREDIT INVEST" МЧЖнинг БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2018 йил 31 декабрь ҳолатига			
КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	2 343
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	72 341
30	16300	Оливиши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	36 125
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрорекредит, микроқарз, истеъмо), брутто	708 325
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар заҳираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код-51 код)	708 325
70	16500	Асосий воситалар, соф	117 841
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	31 625
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	968 601
МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600	Тўлавиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	69 935
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўлавиши лозим бўлган фойзалар	798
240	22500	Тўлавиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	2 884
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	7 360
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	80 977
КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитал	500 000
320	30903	Умумий заҳира фонди	75 000
330	30905	Текнига олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланчиг кийматга нисбатан баҳолаш кийматиининг ошган суммаси	254
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий ил фойдаси (зарар)	312 370
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	887 624
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	968 601

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ 2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР			
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фойзли даромадлар	576 495
160	44700+44900	Бошқа фойзли даромадлар	0
170		Жами фойзли даромадлар (110+120+160)	576 495
2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўлавиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредитдорларга тўлавиши лозим бўлган фойзли харажатлар	18 205
240	54400	Лизинг (микрорекредит) бўйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250)	18 205
3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)			
310		Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
320	56802+56842	Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳоланган сўнг соф фойзли даромадлар (310-320)	558 290
4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР			
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачилиқдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фойзсиз даромадлар	141 356
450		Жами фойзсиз даромадлар (410+440)	141 356
5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР			
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилиқ харажатлари	25 675
520	55900	Бошқа фойзсиз харажатлар	1 108
530		Жами фойзсиз харажатлар (510+520)	26 783
6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)			
600			672 863
7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР			
710	56100	Ходимлар иш хақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	116 446
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	36 066
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	11 320
750	56500	Репрезентация ва хайри	15 528
760	56600	Эскириш харажатлари	27 670
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	5 535
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	212 566
8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ			
800	56800-56802-56842		0
9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)			
900			460 297
10. ФОЙДА СОЛИҒИ			
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	68 306
11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)			
1100			391 991
1110	Дт 31206 еки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)			
1200			391 991

Ушбу ҳисобот "TRANS AUDIT A" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 31.12.2018 йилдаги ижобий хулосаси билан тасдиқланди. (Лицензия Молия вазирлиги томонидан № 00381 рақами остида 17.06.2008 йилда берилган).

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Ботаника боғида "Беш устувор ташаббус – маънавий етук баркамол шахс кафолати" шиори остида "Ёш гвардиячилар" спорт мусобақаси ташкил этилди.

ЁШ ГВАРДИЯЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Мусобақа Президентимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари ўртасида ўтказилди.

"Беш устувор ташаббус – маънавий етук баркамол шахс кафолати" шиори остида бўлиб ўтган мусобақада Республикаимизнинг турли ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисм ва бўлинмалар ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларидан ташкил топган – "Темурбеклар авлодлари" (Тошкент вилояти), "Гвардия шерлари" (Тошкент), "Ватанпарварлар" (Тошкент, Ҳарбий-техник институт), "Шерюрк Темурийлар" (Фаргона вилояти), "Мароканд" (Самарқанд вилояти), "Жасорат" (Қашқадарё вилояти) ҳамда "Шимол лочинлари" (Қорақалпоғистон Республикаси) жамоалари қатнашди.

Мусобақанинг асосий мақсади ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини омдалаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида дўстона алоқаларни йўлга қўйиш, ёшларда мардлик, жасурлик, жамоатчиликка таяниш каби туйғуларни ошириш, шижоат ва қатъият каби сифатларни шакллантириш, шу билан бирга ота-оналарнинг фарзандларига бўлган эътиборни кучайтириш, уларнинг иқтидорларини юзага чиқаришдаги масъулиятларини оширишдан иборатдир.

Ўз номи, белгиси ва либосига эга бўлган ушбу жамоалар 7 та шарт бўйича ўзаро куч синашдилар. Жамоани таништириш, автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, 400 метрлик масофага ҳарбий эстафета, қисқа вақт ичида газниқоб билан 50 метр узунликдаги "заҳарланган" ҳудуддан ўтиш, ҳовуздан челак ёрдамида сув олиб маълум масофага ўрнатилган идишни тўлдириш, осма арқон орқали сувли тўсиқ устидан ўтиш ва арқон тортиш шартларида иштирокчилар маҳоратларини намойён этишди.

Жамоа иштирокчиларига масъул ҳарбий хизматчилар томонидан шартларнинг бажариш тартиби ба- тафсил тушунтириб ўтилди ҳамда уларнинг хавфсизлиги таъминланди.

Миллий гвардия сафларида ҳарбий хизмат ўтаётган ҳамда жаҳон ареналарида юқори натижаларга эришиб келаётган спортчилар иштирокида маҳорат сабоқлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг кўргазмали чиқишлари, ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиларининг мусиқий дастурлари намойиш этилди ҳамда эстрада хонандалари томонидан куй-қўшиқлар жараён сочди.

Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюр-



Зарина РУСТАМОВА

ган "Шимол лочинлари" жамоаси аъзолари: "Спорт мусобақасида рақибларга нисбатан кичик ёшда бўлишимизга қарамай, "Энг эпчил жамоа" номинациясини қўлга киритганимиздан хурсандмиз. Янада кучлироқ тайёргарлик қўриб, келгусида биринчиликни қўлга киритишга ҳаракат қиламиз" дея таъкидладилар.

Мусобақанинг автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш шартини "Жасорат" жамоаси биринчилар қаторида бўлган бўлса, арқон тортиш шартини эса "Ватанпарварлар" жамоаси кучлилардан бири бўлди. Мусобақа якунида умумий ҳисобда 1-ўринни "Темурбеклар авлодлари" жамоаси, 2-ўринни "Гвардия шерлари" жамоаси, 3-ўринни эса "Мароканд" жамоаси эгалладилар. Ҳамма жамоалар ва турли номинацияларга лойиқ кўрилган иштирокчилар махсус статуэтка, диплом, кўчма кубок, фахрий ёрлик ҳамда эс-далик совғалари билан тақдирландилар.

ТИББИЙ ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Тиббий таълимдаги ислохотлар – тиббиёт соҳасининг тараққиёт мезонларидан бири" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш, халқимизга тиббий ёрдам кўрсатишни халқаро даражага олиб чиқиш борасида кенг қўламли ислохотлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганлиги таъкидланди.

Сўнги уч йил давомида Ўртбошимиз томонидан бир қанча Фармон, қарор ва фармойишлар қабул қилингани тиббиёт соҳасига ҳам давлат даражасида юксак эътибор қаратилаётганининг амалий исботидир. Натижада соғлиқни сақлаш соҳасининг барча бўғинларида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 майдаги "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқинга кўтаришда ва тиббий таълимдаги долзарб масалаларга оқилона ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу ҳужжат билан тиббиёт олий таълим даргоҳларида 2019/2020 ўқув йилидан клиник психология, биотиббиёт муҳандислиги, дори воситаларини стандартлаш, сертификатлаш ва сифат менежменти каби янги йўналишлар очилди.

Жумладан, тиббиёт коллежларида ҳам ўқитиш муддатлари 3 йилдан 2 йилга қисқартирилиб, фельдшер-лаборатория иши, фельдшерлик иши ва тиббий-ижтимоий иши каби янги таълим йўналишларида малакали ўрта тиббиёт кадрлар тайёрланади.

Қарорда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим жараёнларига ўқитишнинг кредит-модуль таълим тизимини жорий

этиш, тиббиёт олий таълим даргоҳлари ва филиалларида хорижий давлатларнинг халқаро факультет ва филиалларини ташкил этиш, соҳа ходимларини малака ошириш ва қайта тайёрлашда узлуксиз касбий таълим билан тўлиқ камраб олиш, "Узлуксиз касбий таълим" махсус порталини ташкил этиш каби вазифалар белгиланган эътиборга молик.

Шунингдек, 2019 – 2022 йилларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида босқичма-босқич ўқув-си муляцион марказлар ташкил этиш ҳамда 2020 йилдан бошлаб ҳар йили тиббиёт олий таълим масканлари талабалари ва тиббиёт коллежларининг ўқувчилари орасида клиник фанлар бўйича Ибн Сино номидаги халқаро тиббиёт олимпиадалари, шунингдек, ёш олимлар орасида Ибн Сино номидаги халқаро ижодий танловлар ўтказилиши ёшлар учун яна бир катта имконият бўлди.

Ҳозирда мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун 7 та олий таълим даргоҳи ва уларнинг 4 та филиалида малакали кадрлар тайёрланмоқда. 2018 йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиқ филиали очилди, мазкур академиянинг Фаргона филиалида қабул жараёнининг қайта тикланиши ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятини оширди.

Тиббиёт соҳасидаги олий таълим даргоҳларида бакалаврият, магистратура, клиник ординатура йўналишларининг квоталари оширилди. Мутахассис кадрларга эҳтиёж катта бўлган ҳудудларда мақсадли қабул квоталари бўйича қабул йўлга қўйилди.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига тўлиқ жавоб қайтарилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Қилмиш – қидирмиш

НОИНСОФЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАНДА...

Ш.Абдуллаев Сирдарё вилоятидаги "Alan Systems Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари. У ҳали ёш бўлишига қарамай, бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, уставда кўрсатилган фаолиятни амалга оширмасдан, ноқонуний равишда пул маблағларини нақдлаштириш мақсадида "Alan Systems Group" масъулияти чекланган жамиятини қайта рўйхатдан ўтказган.

Мазкур жамият раҳбари сифатида 2018 йил 1 февралдан 2018 йил 1 апрелга қадар жами 89 538 231 400 сўмлик ноқонуний пул айланмасини амалга оширган.

Шунингдек, осон ва назорат қилинмайдиган даромад топиш мақсадида Солиқ кодексининг 119-моддаси 1-қисми ва Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларини қўпол равишда бузган. Яъни, 2018 йил 1 февралдан 1 апрелга қадар пул ўтказиш йўли билан харид қилинган 84 158 190 000 сўмлик юқори ликвидли, харидор-гир маҳсулотларини нақд пулга сотиб юбориб, савдо тушумларини белгиланган тартибда жамиятнинг ваколатли банкдаги ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, жуда кўп миқдордаги маблағларни ўз эҳтиёжларига сарфлаган.

2018 йил 1-чораги учун жами 49 921 000 сўм миқдорда ягона солиқ тўловини, жами 8 684 813 600 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар давлат бюджетига тўламасдан, давлат маблағларига жуда кўп миқдорда зарар етказган. Бу ҳам етмагандай, ҳужжатларни қалбақлаштириш ва бунинг орқасидан солиқларсиз даромад қилиш каби қатор қилғиш ишларни мунтазам амалга ошириб келган.

Содир этган жиноятларини яшириш ва шу йўл билан жиноий жавобгарликдан қочиб мақсадида "Alan Systems Group" МЧЖнинг фаолияти давомида расмийлаштирилган бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва жамиятнинг қатъий ҳисобдаги гувоҳнома ҳамда бошқа таъсис ҳужжатларини қасддан йўқ қилишган.

Сохта тадбиркорлик, яъни уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, фойдани солиқлардан озод қилиш ёки бошқача мулкий манфаат қўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари, фойда ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, қалбақлаштириш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлагани, товарлар савдоси ёки хизмат қўриштириш қилдирилган жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш ифодаланган жиноий ҳаракатлари қатори яна кўплаб ғайриқилғишлар учун жазоланди.

Далилий ашё тарихида олинган ҳамда жиноят ишига қўшилган, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё Транспорти агентлиги томонидан берилган "Автомобиль транспортда юкларни шаҳарлараро йўналишида ташиш" фаолияти билан шуғулланишга руҳсат берувчи сохта лицензия, "Kamron Stroy Servis" МЧЖ билан тузилган қалбақи шартнома... Буларни қўриб, "ноинсофлик ҳам эви биланда оғайни", дейишингиз шубҳасиз. Нима деб ўйлайсиз, мана шундай қилғиш йўллари билан топилган маблағ оилага барака олиб келармикан? Унис ҳам майли, бундай одамлар кўнгли хотиржам яшай олармикан? Ахир ҳаётдан мақсад ҳам тинч-хотиржам яшаш эмасми? Энди "қахрамонимиз" қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Ж.ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими катта инспектори, 3-даражали юрист

бўлган 100 дона "Пиралгин" номли дори воситалари борлиги маълум бўлди.

Шунингдек, фуқаролар Л.Т. ва Д.В. номига юборилган почта жўнатмаларида ҳам сифати кафолатланмаган 20 дона дори-дармонлар ҳамда таркибиде "Трамдол" моддаси мавжуд бўлган 10 дона "Трамал ретард" номли дори воситалари борлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Белгиланган қоидаларга амал қилмаслиқнинг оқибати яхши бўлмайди. Қонун барчага баробар эканлигини унутмаслик лозим.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

"РЕЖАЛАРИ" АМАЛГА ОШМАДИ

Амалдаги тартибларга кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни халқаро почта жўнатмалари орқали жўнатиш тақиқланган. Аммо шунга қарамай, почта жўнатмалари орқали қонунга хилоф равишда таркибиде психотроп моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини жўнатиш ҳолатлари учрамоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Бош почтампт" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари шу турдаги қоидабузарликни фош қилишди.

Жумладан, фуқаро Ф.С. номига хориждан юборилган почта жўнатмаси божхона кўригидан ўтказилганда божхона декларациясида кўрсатилмаган, таркибиде психотроп ва наркотик моддаси



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Ҳар бир жанжал оила боғидан эсиб ўтган бир совуқ шамолдир – у ҳар гал гулу барглари тўкиб ўтаверади ва охир-оқибат боғ қуриб қолади.

Кўрмоқ ўзини ўзи шарманда қилади.

Бир ишни қилиб пушаймон бўлгандан қилмай армон қилган афзал.

Одам боласи бахти нимадалигини билмайди.

Бировники ҳаммаша миннатли.

Диққат қилмасанг, эсингда қолмайди.

Одамлар кўзларини очадиган нарсалардан ўзларини олиб қочишади.

Ҳақини олдиндан олган кўпинча ишни кейинга суради.

Ори баландга яшаш қийин бўлади.

Шу тўйсин деб бошқага аччиқ қилган ўзи қуруқ қолади.

Кекчи одамдан яхшилик кутманг.

Ким жисмонан ўлдиради, ким руҳан.

Одамлар молнинг аслини эмас, арзонини излашади.

Бўладиган ишнинг бўлгани яхши.

Ҳамма нарсанинг ҳам ҳиссаси чиқиб кетади.

Чуқур кетган фарқ бўлар.

Бир қолган иш кўпинча қолиб кетади.

Тушунмаслигини кечириб бўлмайди, лекин тушунишни хохламаслигини кечириб бўлмайди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2.05.2018 йил сониде 82 (13.679) Тошкент давлат шарҳшунослик институти томонидан Баймухамедова Нодира Акрамовна номига 2011 йилда берилган В № 574317 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади деб чоп этилган эълон дипломнинг асл нусхаси топилганлиги сабабли диплом дубликати бекор қилинганлигини маълум қилади.

Акциядорлик тижорат Халқ банки Сергели филиали томонидан Сергели тумани, 6-мавзе, Деҳқон бозори ҳудудининг 1-қаватида жойлашган бинода қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Унда қурилиш бўйича фаолият юритувчи барча фирмалар иштирок этиши мумкин. Танлов таклифлари 2019 йил 14 июнь соат 15:00 гача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 9-уй.

Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институтнинг ўқув бўлими диспетчери

Хусан Умарович ЖҲРАЕВНИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кумайган ҳолда 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 18-20, кундузи – 30-32 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 8 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Телефонлар: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2024 нусхада босилди. Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамптига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-646

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00